ТОЛА ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти Улуғбек пахта тозалаш заводида тайёрланган тола хорижлик буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Завод жамоаси бугунгача Швеция, Нидерландия, Корея ва бошқа давлатларга минг тоннадан ортиқ тола жўнатди. Кунига 400-500 тонна хом ашё қайта ишланмоқда. Толачилар шунингдек, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатига 1500 тонна чигит етказиб бердилар.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ЧЎЛПОН КУНЛАРИ

Андижон вилоят ҳокимлиги билан Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини ўтказиш ташкилий қўмитаси ўн кун мобайнида турли тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, иқтисодиёт ва муҳандислик институтида "Абдулҳамид Чўлпон олтин меросимизнинг олтин юлдузидир" мавзуида адабий-бадиий анжуман ўтказилди. Андижондаги 1-гимназияда эса санъат билим юрти талабалари томонидан саҳналаштирилган "Чўлпон" спектакли намойиш этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

"БУХОРОИ ШАРИФ" МАЪДАНЛИ СУВИ

"Бухороёғэкстракция" заводи ҳиссадорлик жамиятида "Бухорои Шариф" минерал суви ишлаб чиқарадиган янги цех иш бошлади. Цехга ускуналарни "Стека Батлес" — Польша-Франция қўшма корхонаси етказиб берди.

Янги цех ҳар куни истеъмолчиларга 1,5 литрли полиэтилен идишларда 10-17 тонна минерал сув етказиб бермоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Фарғона вилоятидаги "Баркамол" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти португалияликлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этмоқда. Бу ерда 600 ишчи меҳнат қилади. 80 дан зиёд турли технология ва ускуналар келтирилди. Олий сифатли, жаҳон андозаларига мос 50-рақамли пахта ипи ишлаб чиқарилади. Маҳсулот тўлалигича чет элларга сотилади. Корхона келгуси йилнинг иккинчи чорагидаёқ маҳсулот бера бошлайди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 ноябрь, пайшанба № 139 (22.222).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



КЕКСАСИ БОР ЮРТНИНГ КЎРКИ БОР.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Словения раҳбари Милан Кучан учинчи бор собиқ Югославиядаги шу мамлакатнинг Президенти этиб сайланди. Сайловда қатнашган кишиларнинг 56,6 фоизи уни ёқлаб овоз берди.*

* * *

☑ *Ливан жанубида Исроил аскарлари томонидан учта исломпараст жангчи ўлдирилди.*

* * *

☑ *Толибларга қарши иттифоқ раҳбарларидан бири генерал Абдул Малик Туркманистонга қочиб кетди. У генерал Абдул Рашид Дўстум собиқ иттифоқчиси Маликнинг Фарёб вилоятининг Меймен шаҳридаги қароргоҳини эгаллаб олгандан сўнг, қўшни мамлакатга қочишга мажбур бўлди.*

* * *

☑ *АҚШ Президенти Билл Клинтон ўтган ҳафтадан бошлаб қулоққа тутиладиган майда эшитиш аппаратидан фойдаланишга мажбур бўляпти. Бу ҳақда Оқ уй вакили хабар берди.*

* * *

☑ *Грециядa Италиядаги «Қизил бригадалар» қўпорувчилик ташкилоти аъзоси Энрико Бьянко ҳибсга олинди. Уни 19 йил мобайнида Италия ҳукумати қидиртираётган эди. Чунки у собиқ бош вазир Альдо Морони ўғрилаб кетиб ўлдиришда айбланмоқда.*

* * *

☑ *Парижда бўлиб ўтган кимошди савдосида Наполеоннинг беш юз сўздан иборат бўлган Жозефинога хати 650 минг франкка сотилди. Бу 130 минг АҚШ доллари демакдир.*

* * *

☑ *Австралиялик қўшиқчи Майкл Хачинс шанба куни Сидний шаҳридаги меҳмонхоналарнинг хоналаридан бирида ўлик ҳолда топилди. Санъаткорнинг гуруҳи халқаро рок саҳнасида катта ютуқларга эришганди. Унинг альбомлари 20 миллион нусхада босилиб, бутун дунёга тарқалган.*

* * *

☑ *1994 йилда Таллиндан Стокгольмга бораётган «Эстония» пароминнинг ҳалокатига унинг етарли даражада техник жиҳатдан таъминланмаганлиги сабаб бўлди. Унинг бортида 852 киши бор эди. Швеция, Финляндия ва Эстониядан келган халқаро экспертларнинг маърузасидан ана шундай хулоса келиб чиқди.*

* * *

☑ *Германияда камбағаллик туфайли ёрдам пули олувчилар сони кескин кўпайиб, рекорд даражага етди. Федерал ҳисоб-китоб идорасининг хабарларига кўра, ўтган йилнинг охирларигача қашшоқлик туфайли 2,5 миллион киши ёрдам пули олган бўлса, бу йил уларнинг сони янада кўпайди. Ҳозирги пайтда ГФР аҳолисининг 3,3 фоизи ёрдам пули олаётир.*

* * *

☑ *Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчиллга тегишли бўлган камтарона «Остин Кэмбридж» автомобили кимошди савдосида 66,4 минг фунт стерлингга сотилди.*

* * *

☑ *Буюк Британияда 250 мусулмон ташкилотлари мусулмон иттифоқини ташкил этишди. Бу иттифоқнинг асосий вазифаси ислом мамлакатларидан келган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш.*

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида бўлиб ўтган учрашувда ёш экологлар, талабалар, «Экосан» ва «Камолот» жамғармаларининг ҳамда жамоат ва табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди. Улар табиатга авайлаб муносабатда бўлиш, экология муаммоларини ҳал этишга жиддий ёндашиш зарурлигини ҳамма, айниқса, ёшлар чуқур тушуниб етишига ёрдам беришдан иборатлигини таъкидладилар. Уни Конрад Аденауэр жамғармаси Фридрих Эберт номидаги жамғарма билан биргаликда ташкил этди.

* * *

Бухоро вилояти тадбиркор аёллар уюшмасида икки ҳафталик курс машғулотлари якунланди. Унда «Каунтерпарт интернэшнл» халқаро концорциуми билан биргаликда амалга оширилаётган Ўзбекистон — Германия лойиҳаси доирасида тадбиркорлар ўқитилмоқда. Мақсад — тадбиркор аёлларга бизнес-режани тўғри тузишни ўргатиш.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида курашнинг эркин ва академик усуллари оммавийлигини ошириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент Давлат университети қошидаги Олий педагогика институтида бўлган республика илмий-амалий конференцияда миллий дастур доирасида олий таълим тизимига кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг мутахассислигини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари муҳокама этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Камолот» стипендиясини таъсис этди. Унинг миқдори 2250 сўм қилиб белгиланди. Танлов ҳайъати мажлисининг баённомасига кўра тавсия этилган йигирма талабадан етти нафари шу фахрли стипендияга лойиқ деб топилди.

ОФИСИНГИЗ ҚАНИ, ЁШУЛЛИ?

Мулоҳаза

... Урганч шаҳридаги бир қурилиш ташкилотига йўлим тушди. Дарвоза олдида мудраб ўтирган қаровул йигит «Корхона раҳбарини кўрмоқчи эдим» деган сўров-илтимосимга қисқа қилиб: «Гараждами, складдами юрибдилар» деб қўя қолди. Ниҳоят раҳбарни топдим. Ишчан экан, мой юқили қўли билан саломлашди. Изоҳ бериб қўйди: «Кран бузилган экан, ҳайдовчига қарашиб юбордим...»

Ўзимни таништирдим, ташрифдан мақсадни айтдим. Баъзи рақамларни ёзиб олиш зарур эди. «Иш кабинетингизга кирсак бўлармиди?..» қабилида гап қилдим. Ишчан раҳбар унчалик рўйхуш бермади. «Гаражнинг... яхшиси қоровулхонада гаплашиб олсак бўлмайдими?» «Энди... ноқулай эмасмикан?».

Раҳбарнинг иш кабинетига боргиси йўқлиги сабаби кейин аён бўлди. Икки қаватли бинонинг энг тўрида жойлашган «директор хонаси»га бу яқин орада инсон қадами тегмагани бир қарашдаёқ кўзга ташланарди. Ҳатто поли ювиб-артилмаган. Раҳбар чанг босган столни қоғоз билан супирар экан, «баҳонаси»ни ўзича изоҳлади: «Биз ишнинг» одами. Кабинетда ўтирсанг юмуш битармиди? Эрта-кеч қурилиш иншоотларидамиз. Ҳафта-ўн кунда бу ерда бирор йиғилмасак. Кўпинча режалаштириш йиғинларини ҳам бирор объектда ўтказишимизга тўғри келади...»

Айрим жамоа хўжаликлари раислари ҳам ҳафта-ўн кунлаб идорага қадам босмасликларини, «Дала кезчиб юрибмиз-да» деб тушунтиришади. Ўзларича гўё бу ишчанлик белгиси. Фидокорлик намунаси. Аслида...

Йил-ўн икки ой куннинг маълум вақтида идорага албатта келиб, бир-икки соат кабинетида бўладиган раисларни биламан. Улар бу пайтда қабулига нимадир ташвиш, юмуш билан келган кишиларни қабул қилишади, элнинг баланд-пастидан хабардор бўлишади. Улар ҳатто экиш, йиғим мавсумларида ҳам одатланган кундалик иш вақтини бузишмайди. Энг асосийси, ҳар куни одам қадами теккан (раҳбар қадами!) хонаси тоза, кўркам. «Одам оёғи теккан жойдан фариштa аримайди» деган кексалар нақли бор-а!

Вилоятда узоқ йиллар турли юқори лавозимларда ишлаган бир раҳбар қизиқ одатини айтганди: «Бировни катта-кичик мансабга тавсия қилганларида тасдиқлашдан олдин албатта йўл-йўлакай турар жойини кўриб қайтардим. Йўқ, уйига кирмас, меҳмон бўлмасдим. Деразасида пардаси бор-йўқлигига эътибор қилардим, холос. Деразасига парда тутмайдиган одамдан раҳбар чиқмайди...»

Бу ерда ҳам гап раҳбарнинг маданияти, нафақат иш жойини, балки турар жойини қандай сақлаши, озода-осойишта тутишмаслиги ҳақида кетяпти.

Шовот туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигига йўлингиз тушса, хўжалик идорасига кирибоқ бу ерда маданиятли, тутимли кишилар раҳбар эканлигига амин бўласиз. Идора озода. Ҳар бир раҳбар, мутахассис учун алоҳида хона. Хоналар саришта. Хўжалик кўрсаткичлари, қолаверса истиқлол мавзусида турли шиор, ёзувлар осиғлиқ. Хўжалик раиси иш кабинети эса замонавий раҳбар маданиятидан дарак беради.

Агарда соҳибкорликлар тажрибаси ҳақида баъзи раисларга оғиз очмоқчи бўлсангиз, ўзларича фалсафа тўқишади: «Биз ҳам ҳамма ёқни гуллатмоқчимиз, аммо иқтисод кўтармайди».

«Соҳибкор» жамоа хўжалиги раиси Отажон Қурбоновдан идорани янгича руҳда таъмирлаш, безаш, миллий мафкура мавзусидаги шиорлар, маданият маркази очишга қанча маблағ кетганлиги ҳақда сўрадик. «Уч юз минг сўм» деди раис. Кўпми? Йўқ. Уч гектар майдондан етиштирилган буғдойнинг даромади. Беш-ўн йилда бир бўладиган ободонлаштириш, таъмирлашга ҳеч ҳам кўп эмас.

Хориждаги раҳбарнинг нуфузи,обрўси унинг офиси — иш хонаси кўриниши билан белгиланади. Офис — раҳбар учун иккинчи уй.

Истиқлолдан кейин юртимизда ҳамкорликда ишлаётган турли чет эллик корхона, фирма раҳбарларининг офисларини кўринг. Баҳрингиз очилади. Бу раҳбарнинг диди. Қолаверса, шу катта-кичик офис — ўзи фуқароси бўлган давлатнинг бир парчаси. Кўриниши.

... Бир гал асрий Питнак қирларида қад ростлаётган Хоразм шакар заводига борганимда ҳамкорлар — туркиялик биродарлар билан суҳбатлашдик. Улар вақтинча, ёғоч қурилмали биноларда офис очишган. Кичкина хоналар. Лекин, ўта шинам. Сизни ширин мулозамат билан кутиб олишади. Суҳбат асносида «Чойми ёки кофе?» деб сўрашади. Бир пиёла чой ёки кофе ичилгунча ишингиз битади.

... Хазорасп даги йирик қурилиш ташкилоти раҳбари иш хонасига киришингизни ҳам, кирмаслигингизни ҳам билмайсиз. Чунки, ярим очиқ эшикдан раҳбарнинг кимларнидир сўкаётгани, дакки бераётгани баралла эшитилиб туради. Қабулхонада кутаётганлар буни одатдаги ҳол деб биладилар, пинаклари бузилмайди.

Ўша «ишчан», «фидоийи» раҳбарнинг иш хонасида стол, бир неча стул, икки телефон ва қоғозлар қалаб ташланган жавондан бошқа ҳеч вақо йўқ...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА — РАҒБАТ

Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши 96 нафар партиядош, ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат фахрийларини ҳомий ташкилот ва тадбиркорлар ҳисобидан, «Мулоқот» журнали, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишини ташкил этди.

А. СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга

Мустақиллик юксалишлари

ЭЛЛИККҚАЛЪА ИҚБОЛИ

Элликқалъа чўли ўзлаштирила бошланганига 25 йил бўлди. Тарих учун жуда қисқа фурсат, айниқса мустақиллик йилларида ақлбовар қилмайдиган ишларнинг амалга оширилганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ҳа, саҳро таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди! 1977 йил баҳорида биринчи ғишти қўйилган туман маркази орадан беш йил ўтгач, шаҳар мақомини олган эди. Ҳозирги кунда Бўстон шаҳрида 12300 дан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ерда кўп қаватли турар жой бинолари, замонавий меъморчилик намунаси ҳисобланган маданий-маъмурий бинолар қад ростлади. «Бўстон» меҳмонхонаси, «Чўлқувар» маданият саройи, «Бахт» уйи, «Жайҳун» кино-концерт зали, 20 минг томошабинга мўлжалланган уйингоҳ шулар жумласидандир.

Туманда саноат ҳам жадал ривожланди. Пахта тозалаш заводи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи, 2 та ғишт заводи фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси «Элтекс» тўқимачилик мажмуи фойдаланишга топширилди. Йилига 3 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватига эга 2 та завод маҳсулот бермоқда! Шунингдек, кўплаб гилам тўқиш цехлари, ун ва шоли тегирмонлари ишлаб турибди.

Бугунги кунда туманимизда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли бормоқда. Ўнлаб ҳиссадорлик жамиятлари, 250 дан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар, ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб деҳқончиликда янги усул — фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди.

Туманимизда 61 та умумтаълим мактаби, 1 та иқтидорли болалар лицейи, 2 та ҳунар лицейи, тиббиёт билим юрти, агроиқтисодиёт техникумида ёшлар пухта билим олиб, касб эгаси қилиб тарбияланмоқда.

Муҳим санани ХДП аъзолари ҳам муносиб кутиб олишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Тумандаги 2500 дан ортиқ ХДП аъзолари 58 та бошланғич партия ташкилотига бирлашиб, иқтисодиётни ривожлантириш, маданий-маиший соҳани янада яхшилаш, халқ турмуш даражасини ошириш йўлида фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ф. ИБОДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП Элликқалъа туман кенгашининг биринчи котиби.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

БИР ЖИГАРДА ҚИРҚТА ТОШ

Яқинда автобус бекатида одатдагидек ишга отланиб турувдим. Кекса ёшли нуроний онахон: «Қизим газетага қандай борсам бўлади, ўғлим иккимиз ўша ёқни йўқлаб кетаётувдик», деб сўраб қолди. Йўл-йўлакай менга онахон ажойиб воқеани сўзлаб берди...

Инсон боши ёстиққа етганда саломатлик Оллоҳ томонидан берилган олий неъматлигини англаб етаркан. 80 ёшни қоралаб қолдим. Шу ёшга кириб саломатлигим ҳақида жиддий қайгурадиган палла келишини ҳеч ўйлаб кўрмовдим. Шу йил жигарим безовта қила бошлади. Фарзандларим қўярда-қўймай докторларга кўрсатишди. Текширишганда жигаримда тош борлиги аниқланди. Бу дарддан фақат жарроҳлик йўли билангина халос бўлишимни эшиттач, аввалига иккиланиб юрагим дов бермай қолди. Сўнгра неки бўлса Яраттаннинг иродаси бўлади, дея жигаримни жарроҳлик йўли билан даволашга розилик бердим. Юнусобод туманидаги 17-шаҳар касалхонасида 1-жарроҳлик бўлимида даволанишга ётдим. Мен қолган умримни ўзимга қайта берилган инъом деб биламан. Шифохонанинг қўли енгил жарроҳлари Исҳоқ Ибрагимов, Ўктам Сайҳиев, Темур Қурбоновлар мени дарддан ҳоли этишди. Жигаримдан 40 дона тош олиб ташлашди. Баъзан шифокорлар шаънига ножўя гап-сўзлар бўлади. Лекин мен шу шифохона жарроҳлик бўлимидаги оқ халатли барча қўли енгил шифокорлардан фақат ширин сўз ва эътибор кўрдим. Айниқса, бўлим бошлиғи Б. Шохизаровнинг: «Ҳали дард кўрмагандек бўлиб кетасиз», дея берган далдалари кўнглимга таскин бўлди. Кези келганда оқ халатга доғ туширмай дардмандлар кўнглига ва дардига малҳам бўлаётган бундай фидойи инсонларга кўнглим тубидаги миннатдорчилигимни айтгим келади.

Мен онахоннинг бу дил изҳорини таҳрирсиз ёзиб олдим. Баъзан ҳаётда ён атрофингда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни бироз маҳзун кайфиятда кузатибми, унчалар аҳамият бермаётгандек бўламиз. Амина опанинг бир олам миннатдорчилик ҳиссиётлари билан гапирган сўзларидан сўнг ўзимнинг ҳаётимга ҳам неча бор мушкулотимни яхши одамлар кўмагида ҳал қилганимни эслаб кўяман.

Кўнглимдан яхши одамлар орамизда кўпки, юрт, эл осойиштадир, деган ўй ўтаверади.

Ёқутхон ХОЛМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳри.

БУХОРО. Газли—Нукус магистрал йўлининг мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда аҳамияти катта. Қиймати 500 миллион сўм бўлган бу иншоотни 20 ойда қуриб битказиш

«ГАЗЛИ — НУКУС» ГАЗ ЙЎЛИДА

режалаштирилган эди. «Бухорогазсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари уч ярим ойдаёқ мақсадга эришдилар. 218 километр масофага айланаси 1220 миллиметрли пўлат қувурлар ётқизилди. Газли «зангори олови»ни Ўрта Осиё — Россия газ йўлига улаш учун имконият яратилди. Яна бир муҳим тарафи газимизни Европа ҳамжамиятига узатишимизга йўл беради.

Даврон БАҲРОНОВ.



ХАЁЛОТ. Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

Оллоҳ Ургут ва ургутликларни ёрлақаган. Осмонга чўнг елкаларини тираган баланд тоғ этагида жойлашган жаннатмакон бу сулим масканда минг ёшни қоралаган мўйсафид чинорлар мағрур шовуллаб турибди. Уларнинг ҳар бири олис мозийнинг сирли воқеаларига қўйилган яшил ҳайкалларни эслатади. Табиатнинг ажойиб мўъжизалари бўлмиш бу чинорлар остида ойна кўзли булоқлар қишинёзин қайнаб туради.

Шундай гўзал масканда яшаш, меҳнат қилиш, ижод этиш ургутликларга насиб этган. Улар Яраттанга шукрлар айтиб, чинорлар соясида, чашмалар бўйида хордиқ чиқарадилар. Ургут меҳмонларига катта дастурхонлар очадилар, бу роҳатдан уларни ҳам баҳраманд этадилар.

ОТАМ АЙТГАН РИВОЯТ

Болалигимда отам Ургут ҳақида кўп ривоятлар айтганлар. Шулардан бири ҳамон қулоқларим остида, худди кеча айтилганидек жаранглаб туради.

Айтишларича, бир куни соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари олис жангдан Самарқандга ғалаба билан анча толиқиб қайтибдилар. Кутиб олганлар орасида негадир Бибихоним кўринмабди. Соҳибқирон ташвишланиб, сўроқласалар маликалар сардори Ургутга кетиб қолган экан. Соҳибқирон шу куни ҳатто бир оз ҳордиқ чиқармасдан Ургутга от чоптириб кетибдилар ва Чорчинордаги улкан чашма остида хаёл суриб ўтирган Бибихонимни кўрибдилар.

— Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинг, — дебдилар Бибихоним анча хижолат тортиб. — Кеча туш кўрдим. Шунга... чашма билан ҳасратлашаётгандим. Бу чашма тушини астойдил айтганларга саодат бахш этармиш...

— Хоним, — дебдилар соҳибқирон ярим табассумда, — Ургутга менинг ҳам кўнглим тортиб туради. Камина ҳам уни соғинганман. Бу ҳафта шу ерда қолгаймиз. Айтинг бу чашма фақат сизга эмас, иккимизга ҳам саодат берсин.

Отамнинг бу ҳикояси бошқалар учун балки ривоятдир. Лекин мен учун чин ҳақиқатга ўхшайди. Ургут сеҳрли диёр. Уни бир марта курганлар Бибихоним ҳолига тушадилар ва юқоридаги ривоятнинг ҳақиқат эканлигига ишонадилар.

ТОШДА КУЙЛАНГАН САНЪАТ

Ургутда Аслам Ҳолмуҳаммедов деган уста яшайди. Ёши 70 ни қоралаган. Лекин чеҳрасига ҳали кексалик соя солмаган. Кўзлари ҳамон ўткир, кўришганда, сўрашаётганда лабида табассум ўйнаб туради.

Аслам аканинг етти ўғли бор. Еттови ҳам ота касбини эгаллаган. 1991 йили отаболалар шаҳарга кираверишда 50 минг дона пишиқ ғиштдан улкан дарвоза қуришди. Миллий меъморчилик асосида қад ростлаган дарвозанинг устида супаси бор. Ундан Ургут жамолини томоша қилиш мумкин.

Гарчи ёшимиз ўртасида катта фарқ бўлса ҳам Аслам ака билан ўртоқдай ҳазиллашиб юрамиз.

— Кўринмай қолдингиз, биродар? — деди уста бир куни мени йўлда учратиб, — 1-болалар боғчаси учун янги бино тиклаяпмиз, ишимизга қизиқиб, фаолиятимизни кузатиб юрасиз, янги қурилишга келинг.

Эртаси уста ишлайдиган жойга бордим. Унинг ўғиллари Ҳайдар, Ҳазрат, Асрор, Қобил қўли-қўлига тегмай ишлаяпти. Уста ҳам енг шимариб олган, улкан оқ тошларни икки пуддик болғаси билан майдалаётган экан.

— Уста десам, полвонликдан ҳам бор экан, — ҳазиллашдим унга.

— Ўнчаликмас, ишнинг кўзини биламиз, кўзини. Бу тошлар кўп куч ишлатишни ёқтирмайди. Дарз кетадиган жойини билиб, болға урсангиз, қатламадек ушалиб кетаверади. Зуравонлик қилсангиз «бузрайиб» турaверади. Ҳеч нарса қилолмайсиз.

Уста билан бино ичини айландик. Барча деворлари ғишт ва тошдан тикланган икки қаватли бу бино муъжизанинг ўзи экан. Ичкарисига тўлиқ миллий меъморчилик асосида ишлов берилган. Тош ва ғиштдан, ёғочдан ишланган устунлар, нақш солинган деразалар ҳавасингизни кўзғайди.

Сездирмасдан уста ва фарзандларининг бармоқларига разм солиб, хаёлга ботаман: эртаклардаги каби бу муъжизани шу оддий бармоқлар яратганми? Ёки Оллоҳ буларга сеҳр ато этганмикан? Қойил, куни кеча тоғда ташландиқ бўлиб ётган оддий ғадир-бидур тош бугун инсон қўлида шунақа сайқал топибди, муъжизага айланибди. Йўқ, энди булар оддий тошмас, оддий девормас, чинакам санъат! Нафосатга қоришган санъат!

— Ажойиб халқимиз бор, — дейди уста ҳаяжонланиб хаёлимни бузаркан. — Кичкинтойларга инъом этиладиган бу бино фуқаролар кучи билан тикланди. Кўпдан кўён қочиб қутулмайди, деб шунга айтадилар-да. Маҳалла фаоллари топганларини келтириб беришди.

ҲОКИМНИНГ АРМОНИ

— Райкомнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган йилларим кўп кўргиликларни бошимдан кечирганман, — дейди Ургут тумани ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Ўлмас Маҳмадмуродов, — уларни эслаганимда мустақилликнинг аҳамиятини теранроқ ҳис этгандай бўламан.

Бир куни жамоа хўжаликларини айланиб, анча толиқиб ишхонамга келдим. Оппоқ, узун соқолли бир қария рухсат сўрмасдан ҳузуримга отилиб кирди. Унинг бир қўли яримидан йўқ, юзи пахтадай оқарган, кўзлари безовта... Худди ёш боладек ҳунграб йиғлаб юборди.

Оғир ҳижолатда қолдим. Қарияни бир оз суяб стулга ўтқаздим. Бир пиёла совуқ чой ичирдим.

— Ўғлим, ёрдамингизга муҳтожман, — деди қария титраб-қақшаб, — адолат борми ўзи? Инсонни бунчалик ҳўрлаш, азоблаш... Ногиронман ахир. Немис билан урушганман. Қон кечганман. Фронтда, қиёмат-қойимда тортган азобимнинг жавобими бу? Чивинчалик қадрим, ҳурматим йўқми?

— Нима гап, айтинг, ёрдам бераман, — дедим ўрнимга бориб ўтирарканман.

— Суддагилар уйимиз томига қоқилган тунукани мусодара қилмоқчи бўлишяпти. Бу инсофданми, диёнатданми?

Кейин билсам қария «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Ғўс қишлоғидан экан. Суд уй томига қоқилган оқ тунукани мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарибди.

Судья билан телефонда боғландим. Адолатсизлиги, бағри тошлиги учун уни бироз койигандай ҳам бўлдим.

— Биздан нотўғри хафа бўлаяпсиз, — деди у чуқур уф тортиб, — қонундан четга чиқолмаймиз.



— Уша йиллари шахсий уйларга оқ тунука қоқиш тақиқланган эди. Ундан фақат жамоат бинолари қуришда рухсат этиларди. Оқ тунука қоқилган шахсий уйлар давлат ихтиёрига ўтказилар экан. Судья қариянинг иккинчи гуруҳ ногиронлигини ҳисобга олиб, фақат томга қоқилган тунукасини мусодара қилишга ҳукм чиқарибди.

Ўзимдан ҳам, ишимдан ҳам нафратландим. Юрагимда санчиқ турди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА»

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 6 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада вилоятимизда қишлоқ врачлик пунктларининг қурилиши суст кетаётганлиги ва 7 та туманда фельдшер-акушерлик пунктларини қишлоқ врачлик пунктларига айлантириш охирига етказилмаганлиги ўз вақтида тўғри танқид қилинганлиги таъкидланган. Ҳақиқатан ҳам жорий йилнинг май ойида янги қурилиши зарур бўлган қишлоқ ҳакимлик пунктларининг қурилиши суст олиб борилган. Бу ҳақда вилоят халқ депутатлари сессиясида қишлоқ инфраструктурасининг ривожланиши масаласи кўрилганда қишлоқ ҳакимлик пунктларининг қурилиши суст бораётгани тўғрисида маълумот берилган эди. Шу асосда вилоят ҳокими Н.Мўминов республика Вазирлар Маҳкамасининг 182 қарори бажарилиши вилоятда суст бораётганини танқид қилиб, ушбу қарор бажарилишини ўз назоратига олганидан сўнг ишлар юриша бошлади. Вилоятимизда қурилиши зарур бўлган 8 та қишлоқ врачлик пунктларини жиҳозлаш учун 19 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди ва вилоятдаги 8 та қишлоқ врачлик пунктлари 1997 йилнинг 1 сентябргача тўла жиҳозланиб фойдаланишга топширилди.

Фельдшер-акушерлик пунктларини қайта қуриш йўли билан тикланиши зарур бўлган 7 та қишлоқ врачлик пунктидан 1 таси (Олтиариқ туманида) фойдаланишга топширилди, 2 тасида қайта қуриш ишлари тугатилди (Сўх, Риштон), 4 тасида қайта қуриш ишлари давом этмоқда. Вилоят ҳокимлиги ушбу врачлик пунктларини битириш учун қўшимча 15 миллион сўм маблағ ажраттан. 1997 йилнинг охиригача тикланиши зарур бўлган 15 та қишлоқ врачлик пунктларининг ҳаммаси топширилади.

Мақолада ёритилган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишга лицензия олган врачларнинг ҳаммаси учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмаганлиги натижасида 163 ҳакимнинг 30 фоизи ҳақиқатда аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу врачларнинг 70 фоизи шахсий врачлик фаолиятига лицензия бўлишига қарамасдан шуғулланмаётганликларининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун ижарага олинган биноларнинг ижара нархи юқори.

2. Шахсий врачлик фаолияти билан шуғуллана бошлаган врачлар учун имтиёзлар, шу жумладан, солиқлар бўйича енгилликлар белгиланмаганлигидир.

Ушбу икки муаммо ижобий ҳал этилса, шахсий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган ҳакимлар 100 фоиз фаолият кўрсата бошлайди ҳамда уларнинг сони тез орада ошади.

Х. ҲОЖИРАҲМАТОВА,
Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ТЕНГ ИҚТИСОДИЙ

Ўзбекистон Иқтисодий аъзо бўлиб кирганига

Маълумки, 1985 йилда Туркия, Покистон ва Эрон томонидан асос солинган иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Осиё давлатларининг ўзига хос умумий бозорини вужудга келтириш мақсадида ташкил этилган эди.

1992 йилнинг 28 ноябрида ЭКО мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида республикамиз шу минтақа ташкилотига расмий равишда аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистондан ташқари ЭКОга Марказий Осиё давлатларининг барчаси, шунингдек, Озарбойжон ва Афғонистон ҳам аъзо бўлиб киришган. Демак, унинг сафида ҳозирга келиб ўнта мустақил давлат бўлиб, уларнинг улкан инсоний ва моддий ресурслари, тарихий, маданий, диний илдизларининг муштараклиги 300 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ривожлантиришга, ҳамкорликда иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга янада кенг йўл очиб беради.

ЭКОга аъзо бўлган мамлакатларнинг янги XXI асрга илгор, қудратли ва юксалган давлат сифатида қадам қўйишини таъминлаш — иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бош вазифаси қилиб белгиланган. Энг аввало, саноат ва савдо соҳасида ҳамкорлик, минтақаларо туризмни ривожлантириш, самарали алоқа тизимини, автомобиль ва темир йўлларни, ҳаво йўллари ҳамда йўлдош алоқа ва ўзга коммуникация алоқаларини вужудга келтириш сингари дастурлар ЭКО фаолияти энг муҳим йўналишларида тобора мужассамлашмоқда. Бугун ЭКО минтақанинг кенг кўламли иқтисодий, шунингдек, коммуникация дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишнинг янги босқичига кўтарилмоқда.

Ўзбекистон ЭКОга аъзо бўлгандан буён ўтган беш йил мобайнида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари ҳамда унинг турли соҳаларидаги устуворликларини белгилаб берувчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунга келиб қабул қилинган мазкур қарорларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Мисол учун, Тажан—Сарахс—Машҳад—Бандари Аббос темир йўл қурилиши амалга оширилгани қувонарли ҳолдир. Бу Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари учун жанубий денгиз портларига чиқишга имкон яратади.

Шу ўринда таъкидлашимиз керак: иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ишини такомиллаштириш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ҳам аъзо мамлакатлар ўртасида муҳим битимлар имзоланган. Айниқса, транспорт коммуникацияси соҳасидаги битимларнинг минтақа мамлакатлари учун аҳамияти беқиёсдир. Зеро, ўтмишда «Буюк Ипак йўли» сифатида хизмат қилган қитъаларароо йўлларни қайта тиклаш ҳар томонлама фойдалидир. Шу мақсадда Трансосиё ва Транскавказ автомобиль ва темир йўл магистралларининг барпо этилаётганлиги келажакда бутун минтақа иқтисодий тараққиётини таъминлайди. Шарқни Ғарб билан, Шимолни Жануб билан боғлайдиган бу йўналишлар биргина Марказий Осиё минтақасининг эмас, балки Европа ва Осиё ўртасида транспорт коммуникациясига жуда муҳтожлик сезаётган ўнлаб давлатларнинг мушкулини осон қилиш имкониятидир.

Дарвоқе, шу йилнинг 13—14 май кунлари Ашгабад шаҳрида ўтказилган ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида ҳам ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва энг аввало минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, мазкур учрашувда Марказий Осиё давлатлари ва Озарбойжонни Форс кўрфази ҳамда Туркиядаги портлар билан боғловчи Тажан—Сарахс—Машҳад темир йўлини очиш тўғрисида музокаралар бўлди.

Бинобарин, савдо-иқтисодий, транспорт ва алоқа коммуникациялари бўйича кўзланган лойиҳаларнинг амалга ошиши ЭКО мамлакатларининг дунёдаги йирик интеграцияларнинг ҳудудга айланиш имконини беради. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги йилларда юз бераётган сиёсий ва иқтисодий воқеалар жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг умумий жараёнида интеграция ва кооперациянинг ўрни нақадар ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Буни минтақавийликдан оламшумуллик сари деган сўзларни шиор қилиб олган бошқа иқтисодий ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни чоғда

ТУТАШГАН ЗАМИН

Райкомнинг биринчи котиби бўлсаму мен учун урушда қон кечган шу фидойи инсонга ёрдам беролмасам. Қанақа раҳбарман ўзим?

Қарияни ҳузуримдан қанақа гаплар билан овутиб чиқарганимни ҳозир эслолмайман. Лекин, ўша воқеадан кейин узоқ вақт таъсирланиб юрганимни, ётишимда ҳам, туришимда ҳам ҳаловат бўлмаганлигини ҳеч унутолмайман.



Ҳозир Ургут шаҳрини, Ғўс, Камангарон, Испанза ва бошқа қишлоқларни кезганимда кўнглим ғурурга тўлади. Девори тош ва ғиштдан тикланган, томига оқ тунука қоқилган икки-уч қаватли шахсий уй-жойларни кўрганимда кўзим қувнайди. Ўша суд ҳукмини эзилиб эслайман. Қани энди ҳузуримга нажот истаб келган ғуслик Хуррам бобо тирик бўлсалар, мустақиллик даврида тикланган ва тикланаётган муҳташам иморатларимизни кўрсалар, эҳтимол севинчдан ўзларини қўярга жой тополмай қолармидилар? Афсуски, ўтмишни ҳам, боқий дунёга рихлат қилганларни ҳам қайтариб бўлмайди.

ЎҒРИСИЗ БОЗОР

Ургутда тижорат бозори очилганига икки йилдан ошди. Савдо ходимлари ва харидорлар дастлаб уч гектарлик ҳудудда иш бошладилар. Қатор дўконлар, расталар, ошхона-ю чойхоналар қурилди. Баъзи тадбиркорлар ўзлари учун темирдан, ёғочдан кўчма мавсумий дўконлар ҳам тайёрлаб олдилар. Қисқа даврда бозор 40 гектарлик майдонни эгаллади. Жой яна торлик қилаяпти. Туман ҳокимлигида бозор учун қўшимча ер ажратиш муаммолари устида ўйлашяпти.

Янги тижорат бозори очилди-ю, шаҳарда бекорчиликка барҳам берилди. Ургутда нима кўп, чойхона кўп. Илгарилари уларда кун бўйи беданабозлик, араҳхўрлик қилиб, утганга, қайтганга кесак отиб ўтирадиганлар ҳам ўзларини тижоратга урадилар. Душанба, пайшанба, жума кунлари Эрон, Покистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистонига юк келтириш учун кетадилар. Сешанба, чоршанба ва якшанба кунлари, яъни бозорнинг тўрт кунида хоражидан олиб келган мол-маҳсулотларини сотадилар.

Ҳозир бозорда ҳар куни ўрта ҳисобда эллик-олтмиш минг савдогар ва харидор тўпланмоқда. Қўшни Тожикистон республикаси, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Жиззах вилоятларидан мол-маҳсулотларини кўтара савдо қилиб оладиганлар ҳам Ургут бозорига қатнай бошлади.

Илгарилари ўғрисиз шаҳар ҳам, бозор ҳам бўлмаслигини кўп эшитганмиз. Эҳтимол бу тўғридир.

Бироқ ўғрисиз бозор бўлар экан. Ўғрисиз бозор, бу Ургут бозори. Тўғри, у янги очилган вақтлари у-бу нарсалар ўғриланиб турди. Кейин аҳолининг ўзи қўли эгри ҳамшаҳарларини тутиб, жазоладилар. Бозор дарвозаси олдида ўтқазиб, одамлар кўз ўнгида қизартирдилар. Ҳозир бу ерда битта ҳам ўғри йўқ. Эсингиздан чиқариб қолдирган нарсаларингиз ҳам пештахталар устида кечгача тураверади. 1997 йил мобайнида бозорда бирор кишининг пули ёки нарсаси ўғирланганлиги қайд қилинмади.

УРГУТ ОҚШОМИ

Бугунги Ургут оқшомини мустақиллик майдонида ҳаяжонланиб кутиб олдим. Бу ерда «П» шаклида тикланган ҳашаматли бинолар эртадаги митти шаҳарчаларга ухшайди. Улкан уч бино — «Баҳор» ресторани, «Ибод» савдо мажмуаси, хитойча усулдаги шинам чойхона олдида иккита катта фаввора шиддат билан осмонга урламоқда. Кукка сачраган сув заррачалари маржондай тизилиб турган электр чироқлари нурида минг хил рангда товланади, одамни ҳаяжонга соладиган ғузал манзара кашф этади.

— Ургут оқшомини Тўпхонадан кузатиш янада завқли бўлади, оғайни; — деди ҳамроҳим ҳаяжонланиб, — эринмасангиз, юринг, тоғ ошаго чиқамиз.

Шаҳар марказига унинг дарвозасидан кириб келаверсингиз, машҳур ва улкан Олтерхон чўққисига кўзингиз тушади. У чўнг елкасида осмонни кўтариб турганга ўхшайди. Унинг этагига Тўпхона тепалиги туташиб кетган. Бу тепалик ургутликларни қадимий сайлгоҳидир. Ҳар йили Наврўз байрами шу тарихий масканда нишонланади.

Шеригимнинг кўнглига қараб Тўпхонага чиқадиган бўлдим. Зиналардан ҳансираб кўтариларканман, ҳавонинг тозалиги, ўт-ўланларнинг ҳиди одамни энтиктиради. Пастда, гўё оёқларимиз остида электр чироқлари, нурафшонлик. Ургут табиат томонидан яратилган муъжизага ухшаб кўринади. Тўпхонанинг биқинигача чўзилиб келган марказий йўл атрофидаги бинолар пештоқида, симёғочларда ялтираб ёнаётган катта-кичик чироқлар Сомон йўлини эслатади.

— Қаранг, бу шаҳар эмас, осмоннинг бир парчаси, — деди ҳамроҳим завқланиб, — ҳар гал Тўпхонага кўтарилганимда ғуборим тумандай тарқаб кетади. Ўйларим, фикрларим тиниқлашгандай бўлади.

«Энг эзгу, энг улуғ» танловига

Тунги Ургутни Тўпхонадан туриб ярим кечагача, кўзларимиз қамашиб толиққунча томоша қилдик. Пастга тушарканмиз, шундай сулув масканда ўсиб-улғайиш бахтига муяссар этганлиги учун Оллоҳга шукрлар айтдик, ҳамду санолар ўқидик.

СЎНГГИ НАСИҲАТ

Баҳорда отам оғир дардга чалиндилар. Узоқ вақт тўшакка михланиб ётдилар. Биз — фарзандлар хизматда турдик. Биринкетин ҳузурларига кириб чиқардик.

— Ўғлим, ёнимда бироз ўтиргин, сенга айтадиган гапларим бор, — дедилар бир куни отам. — Неча кунлик, неча соатлик умрим қолганини айтолмайман. Лекин, сўнгги кунларимни бошимдан кечираётганлигимни юрагим сезиб турибди.

— Болам бечорани қўрқитманг, — дедилар ойим эзилиб, — ҳали соғайиб кетасиз.

Отам қалқиб кетдилар. Ойим иккаламиз биргалашиб суядик. Бир азобда сўзларида давом қилдилар.

— Улгаяверганинг сайин қалбингда муҳаббат бош кўтариб чиқади. Лекин муҳаббат ичида Ватан муҳаббати энг олий туйғу эканлигини ҳеч қачон унутма. У ҳамма нарсадан устун туради. Куч-қудратинг борича, меҳринг етганича сени камолга етказган юртни сев, Ватанни оғриштирганлар, ватандошларининг қаргишига учраганлар косаси ҳеч қачон оқармайди, болам.

Ургут тупроғи — сен учун муқаддас тупроқ! Ундан нафақат аждодинг, балки ўзингнинг ҳам киндик қонинг ҳиди анқиб туради.

Икки кундан кейин отам вафот қилдилар. У киши ҳаётлик чоғларида менга кўп насиҳат қилганлар. Ватан ҳақидаги сўнгги насиҳатлари шулардан бири — унутилмас ўгитдир.

Файзи ҲАЙДАРОВ,
«Ургут садоси» газетаси муҳаррири.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Мазкур барча — кўпроқ оғзаки — халқаро фаолиятнинг энг муҳим таъсири қурбонлар тақдиридаги ҳозирги ютуқларидан кўра кўпроқ давлат ва халқаро миқёсларда ўзгартирилувчи нормалар ва келгусидаги истиқболга боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги гоя ҳозирги дунё муҳитида ахлоқий куч ва сафарбар этувчи қудратга молик бўлиб, унга қарши чиқиш мушкул кўринмоқда. Дунё узра кўпроқ ва кўпроқ фуқаролар онгида ҳукуматга қарши дахлсиз ҳуқуқлар билан тақдирланганлиги ҳақидаги фикр зуҳур топиши сайин, инсон ҳуқуқлари борасидаги талаб диктаторларни қочишга, уларнинг ҳукуматларини эса вайрон бўлишга келтиради.

Кўпинчалик, ҳар ҳолда қисқа муддат давомида шамшир суздан кўра қудратли далилдир. Бироқ инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларнинг иши, қаерда бўлишидан қатъий назар, кўҳна ва олийжаноб бўлиб, ҳукмдорга адолат юзасидан гапиришдан иборатдир. Уттан ўн йилликнинг энг умидбахш сабоқлари шундан иборатки, ҳатто реалистик деб аталувчилар тасаввур этишидан ҳам анча кўпроқ даражада ҳақиқат зафар топиши мумкин экан.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВ ВА ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро муносабатларнинг ўзгариши айниқса норматив даражада сезиларлидир. Мисол учун, Инсон Ҳуқуқлари бўйича халқаро Битимларни дунё узра мавжуд мамлакатларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи тан олган. Халқаро ташкилотлар мазкур нормаларни ҳаётга тадбиқ этишда ҳамон иккиламчи роль ўйнашига қарамай давлатлар халқаро ҳамжамият олдида инсон ҳуқуқлари борасидаги ўз хатти-ҳаракатлари учун тобора кўпроқ ҳисобот бермоқда.

БМТнинг Фуқаро ва Сиёсий Ҳуқуқлар бўйича Халқаро Битими мустақил экспертларнинг кузатув комитети — Инсон ҳуқуқлари комитетини — таъсис этди. Мазкур экспертларнинг асосий фаолияти давлатлар томонидан даврий равишда тақдим этиладиган ҳисоботларни текширишдан иборат. Шунга ўхшаш комитетлар халқаро миқёсдаги инсон ҳуқуқлари битимлари томонидан ирқий фарқлаш, аёллар ҳуқуқлари, қийноққа қарши соҳалар ва болалар ҳуқуқлари борасида ҳам барпо этилган.

Бундай ҳисоботларни текшириш асосида комитетда кўтарилувчи саволлар кўпинчалик яхши ўрганилган ва аниқланиб бўлишига қарамай, ҳисобот берувчи давлат вакили барча саволларга жавоб беришга эҳтиёж йўқ. У фақат қониқарли жавоб бериши керак. Кўп ҳисоботлар қонунлардан ва конституциядан иқтибослар ёки мавҳум розилик нуқтаи назаридан маълумот беради. Ҳисобот сифатида бўлишидан қатъий назар, у текширилгач, кузатув жараёни келгуси мажбурий ҳисобот даври келгунга қадар тўхтатилади.

Ҳисобот бериш тизими ўзбошимча ҳаракат тутувчи давлатларни ўз тажрибасини ўзгартиришга ундай олмаслиги муқаррар. Бироқ улар, ўз ҳудудларидаги инсон ҳуқуқлари ҳақидаги тасаввурни яхшилаш ёки сақлаб қолишга интилаётган давлатларга қўшимча имкониятлар яратиб беради. Ҳисобот тайёрлаш учун давлат қонуни ва тажрибасини назардан ўтказиш талаб этилади. Оқибатда, яхшиланишга муҳтож ёки эҳтимоли бор соҳалар намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, бундай ҳисоботлар давлат ходимларига уларнинг халқаро ҳуқуқий мажбуриятларини эслатиб туришга ҳам кўмаклашади.

Ҳисобот берувчи ҳукумат томонидан тайёрланган тўфайли инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳисоботлар халқаро кузатув механизмларига ақалли қарама-қаршиликларни киритиши мумкин. Ҳисобот бериш тизимлари инсон ҳуқуқлари борасидаги масалалар жиддий тус олишидан олдиноқ уларни диққат марказига қўяди. Бироқ кузатувнинг бу механизми ҳукумат назорати остида ишлаши кўпинчалик қонундан чекланиш ва суиистеъмол этиш ҳолларига келтиради.

Инсон Ҳуқуқлари Комитети, шунингдек Битимнинг (Биринчи) Ихтиёрий Протоколига аъзо давлатларда яшовчи шахсларнинг «маълумотномалари» (арзшикоятлари)ни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Инсон Ҳуқуқлари Комитетининг хулосалари мажбурий кучга эга эмаслигига қарамай, қатор давлатлар уларга биноан иш юритади. Мисол учун, Канада ўз қабила ерларидан ташқарида яшовчи ҳиндуларнинг ҳуқуқларига тегишли қонун-қоидаларни қайта кўриб чиқди, Маврикия аёлларининг ҳуқуқларига оид қонунчиликни ўзгартирди, Нидерландия эса фарқлаш асосидаги ижтимоий муҳофаза қонунчилигини ўзгартирди. Ирқий камситиш ва қийноқ қилиш борасидаги эксперт комитетлар ҳам шундай қудратга молик.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши аввалги сонларда)

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Франс Пресс» агентлигининг хабарига кўра, Эрон Америка қуролли кучларининг Форс кўрфазида бўлиши мамлакатнинг миллий манфаатларига жиддий хавф туғдиради, деб ҳисоблайди. Эрон ҳарбий-денгиз кучлари бош қўмондонининг баёнотига кўра, хорижий ҳарбийларнинг ҳар бир ҳаракати устидан жиддий назорат ўрнатилган. Аббос Мақтай барча араб давлатларини қўшма ҳарбий машғулот ўтказишга чақирди.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва «Толибон» ҳаракати вакиллари Афғонистондаги қўкнори экиладиган майдонларни текширувдан ўтказишмоқда, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги. Афғонистон героин етказиб берувчи энг катта мамлакат бўлиб, бу ерда наркотик моддаларнинг ярмидан кўпроғи етиштирилади. Мамлакатнинг 80 фоиз ҳудудини ўз қўлида ушлаб турган толиблар қўкнори экилган барча мйдонларни келгуси йилнинг ўзидаёқ барбод қилишга тайёр эканлигини билдиришди.

* * *

Чилидаги экологлар Сантьяго атрофида ўта йирик—узунлиги 60 сантиметрлик каламушлар пайдо бўлганлигини чуқур ташвиш билан билдиришмоқда, деб хабар қилади «Рейтер» агентлиги. Каламушлар айниқса маҳаллий фермерларни жиддий ташвишга солди. Чунки бу каламушлар парранда ва эчкиларни еб кетишмоқда. Экологларнинг фикрича, улкан каламушларнинг пайдо бўлишига маҳаллий парранда фабрикаларидан чиқариб ташланган юқори гормонли озуқа қолдиқлари сабаб бўлаётган эмиш.

* * *

Австралиянинг «Сидней Монинг Геральд» газетаси Европа иттифоқи аъзолари бўлмиш мамлакатлар раҳбарларининг ишсизлик муаммоларига бағишланган учрашуви ҳақида хабар беради. Мажлис давомида ишсизликка қарши курашнинг энг асосий усуллари ҳақида келишиб олинди. Бундан келиб чиқадики, 1999 йилда ягона Европа валютасига ўтилгач, ишсизлар сони камаяди.

* * *

Японияннинг «Ямаити Секьюритиз» компанияси ўз фаолиятини тўхтатиб, банкротлик жараёни бошлангандан сўнг жаҳон молия бозорида катта шов-шув бўлиши кутилмоқда. Бу ҳақда «Айриш Таймс» газетаси хабар беради. «Ямаити» жаҳондаги ўнта йирик компаниянинг биридир. Бу компания асосан қимматли қоғозлар бозорида ишлайди. Банкротликнинг асосий сабаби компаниянинг 25 миллиард доллар қарзи борлигидадир. Газетанинг таъкидлашича, Япония ҳукумати ва марказий банки бу борада тезкор чоралар кўрмоқчи.

КЎЗИ ИЛИНСА УХЛАГАНИМИ?

Уйқусизлик рекорди ҳақида эшитганмисиз? Грециянинг Афина шаҳрида яшовчи руҳий касалликлар шифокори Стабрула Аратарус олти ой мобайнида «ухламаслик» устида муттасил тажриба ўтказди. Қизиғи у бу тажрибани, яъни синовни ўзида «қўллади». Эндигина 38 ёшга кирган Стабрула «уйқусизлик» рекордини ўрнатганини эълон қилди.

Маҳаллий телевидение унинг «Уйқусизликдаги ҳаёт» деб номланган китоби чоп этилгач, учрашувга таклиф этди. Машҳур бедор хоним телевидение орқали ток-шоу да иштирок этар экан интервьюсининг накд ўртасида «кўзи илиниб» қолди. Тумшуғи билан муккасидан кетиб бошловчининг елкасига урилди, сўнг тиззасига бош қўйиб пинакка кетди. Бир зумгина қуш уйқусини олди.

Уйғонгач эса у ўз устидан кулиб: «бу уйқу эмас, «кўз илиниш уйқуга кирмайди» дея изоҳ берди. Ким билади, балки қуш уйқуси ҳақиқатан ҳам уйқу ҳисобланмас. Шундай бўлса-да, афиналиклар ҳозирча Стабрула хонимни уйқусизлик рекордини ўрнатган «бедор малика» дейишяпти.



«Қанотли» кема хизматда.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га беш йил тўлди

интеграция ҳаракатларини ошириш билан бирга халқаро интеграциянинг концептуал асосларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ЭКОга аъзо бўлган давлат раҳбарларининг VI учрашувида сўзлаган нутқида интеграция ҳақида гапира туриб, бунда **давлатлар эмас, уларнинг мафкура ва сиёсатдан холи иқтисодиёти ва бозорлар интеграциялашуви лозимлигини, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти айнан шу тамойилларга асосланганлигидагина у ҳақиқий интеграцияловчи ташкилот бўла олишини** қатъий таъкидлади.

Ўз тараққиёт йўлига эга бўлган мамлакатимиз ЭКОга энг аввало савдо-иқтисодий ташкилот, деб қарамоқда. Дарҳақиқат, бу халқаро ташкилотга сиёсий тус беришга қаратилган ҳар қандай уринишлар иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик руҳи ва муҳитига фақат зиён етказиши мумкин. Давлатимиз раҳбари бу фикрни ЭКОнинг кейинги Ашгабад учрашувида билдирар экан, иқтисодий интеграция фақат минтақавий доирада чекланиб қолмаслиги зарурлигини ҳам таъкидладилар.

Айни чоғда Ашгабад учрашувида Ўзбекистон Президенти ЭКОнинг бундан кейинги фаолияти учун принципиал аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалаларга ҳам иштирокчи мамлакатлар давлат бошлиқларининг эътиборини қаратди:

Биринчидан, ЭКОга аъзо бўлган ҳар бир давлат, бу ташкилотга қачон кирганидан ва ўзининг иқтисодий ривожи даражасидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Бунда у ёки бу давлатни пешқадам ва ортда қолганларга ажратишга ўрин бўлмаслиги керак.

Иккинчидан, ташкилот фаолиятининг амалий йўналишларини кучайтириб, унга аниқ ва тиниқ мақсадлар белгилаб бериш лозимки, токи у ёки бу учрашувда кун тартибида белгиланган муаммолар доирасидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик лозим.

Учинчидан, ЭКО ўз сиёсий ва иқтисодий мақсадларини белгилаб олган турли йўналишдаги давлатларни бирлаштирган ташкилот эканини ҳам ҳисобга олиш керак. Уларнинг манфаатлари ҳар доим бир-бирига тўғри келадими-йўқми? Буни ҳам ҳисобга олган тарзда ташкилот доирасида у ёки бу долзарб масала бўйича ўз нуқтаи назарини зўрлаб ўтказиш учун уриниш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

ЭКО доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, минтақанинг тинч ва барқарор ривожланиши муҳимлигини ҳам қайд этиш зарур. Чунки, минтақада «оловли нуқталар» бартараф этилмасдан айрим қўшни давлатларда (Афғонистон, Тожикистон) беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, минтақада барпо этилаётган транспорт коммуникацияларидан — автомобиль ва темир йўл магистралларидан салмоқли натижалар кутиш мумкин бўлармикин? Ўзбекистон раҳбари бу масалада ҳам ўзининг аниқ позициясини билдирди: **«Биз бу мамлакатлардаги аҳволни яхшилаш учун уларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, уларга иқтисодий ўсишнинг аниқ лойиҳаларини таклиф қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз».** Бундан ташқари бизнинг мамлакатимиз ЭКО доирасида соғлиқни сақлаш, маданий ҳамкорликни йўлга қўйишни ҳам ёқлаб чиқмоқда.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга. Бу салоҳиятни юзага чиқариш, давлатларимизнинг ўзаро иқтисодий макони кенгайиб, мустаҳкамланишини таъминлаш юқорида биз таъкидлаб ўтган масалаларнинг қай даражада ҳал қилинишига ҳам боғлиқ. Муддаоларнинг софлиги, бир-бирига самимий ёрдам бериш истаги бу мамлакатларни бирлаштириб турган экан, ўйлаймизки, ЭКО доирасидаги тенг ҳамкорлик олдинга қўйилган олийжаноб мақсадларни амалга ошириш, минтақани тинч ва барқарор равнақ топтириш имконини беради.

Аслиддин БОЛИЕВ.

ҚЎЛБОЛА БОШПАНА

Американинг Индиана штатида яшовчи Жон Сейн бошпанасизлик балосидан қутулишнинг зўр усулини ўйлаб топди. Қарталарни иморатсимон қилиб «тиклади». Уйини шунчаки эрмак-каталакча деб ўйламанг. «Осмонўпар уйи»нинг баландлиги 3,9 метр, 68 та қаватдан иборат эди. Бу ўзига хос рекорд эди.

Албатта, унинг бу қасрида ўзиям яшай олмади. Шундай бўлса-да, Сейн ўзининг эзгу орзусини шу тариқа ушалтирди. У худди шундай ҳашаматли уйи бўлишини жуда-жуда истаганди-да!

Ҳарна қилса-да, орзуга айб йўқ!

ҚАРСАКБОЗ

Ҳиндистонлик қарсакбоз Жаёромон ҳақида эшитганмисиз? Тамилнад шаҳрида яшовчи бу азамат ғалати рекорчидир. У 1988 йилнинг 12-15 февралида оламшумул жаҳон рекорди ўрнатди. Ҳар дақиқа 160 тадан «зарб уриб» 58 соату 9 дақиқа тинмай қарсак чалиб турди.

Финишга яқин аранг қўли қимирлагандир деб ўйларсиз. Йўқ, чапагини 109,7 метр наридагилар ҳам бемалол эшитганди.

АСЛ КАСБИ САРТАРОШ

Буюк Британиянинг Хернибей шаҳрида яшовчилар «Асл сартарош биздан чиққан» дея ғурурланиб юришади. Мақтансалар арзийди-да. Уларнинг ҳамшаҳари Дени Роув 1988 йилнинг 19 июнь куни «олтин устара» рекордини ўрнатганди. Дени 60 дақиқада 1994 мижозни қиртишлашга улгурди. Ҳатто мижозлари тошойна қаршисига ўтириб-туришда шошиб қолишди. Ахир 1,8 секундда соқолини олдириб бўлган мижоз ақл-ҳушини тўплагунча бундан ортиқ вақт кетиб қолардида. Энг қизиғи, Дени фақат тўрттагина шундай «овсар мижоз»ларининг юзини сал-пал бежаб, сал кўнгли хира бўлди, холос.

Ҳали бунақаси қайта бўлган эмас.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Гиннес китобига кирмаган рекордлар

ЭЗГУ ИШГА ДАХЛДОРЛИК

Ноширлар ҳаётидан

Асл китоблар қўлдан қўлга, элдан элга, авлоддан авлодга ўтаверади. Тафаккур гулшанидан терилган жавоҳирот эса инсоннинг кўнглига эзгулик солади.

Чиройли китобни эндигина тандирдан узилган нонга ўхшатгим келади. Ноширни эса моҳир новвойга. У қўлёзмаларга дилининг қўрини, кўзининг нурини бериб, китоб ҳолига келтиради.

«Адолат» нашриётининг жамоаси ҳам ана шундай меҳнатсевар «новвой»лардан. Улар нашр этаётган китоблар бугунги кунда ўз ўқувчисини топди. Нашриёт эса қад ростлаб олди. Бу ерда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги китоблар ҳуқуқ ходимларининг жонига оро киряпти.

Нашриётга таниқли ношир Ҳ. Пирмуҳамедов раҳбарлик қилмоқда. Бош муҳаррир Ҳ. Жалолов, муҳаррирлар О. Абдуллаев, Р. Зокиров, Д. Дўстжонова, мусаввир А. Баҳромовлар эса жамоанинг жонкуярларидир.

Мазкур йил ноширлар учун қувончли бўлди. Бу ерда босмага тайёрланган китоблар қўлдан қўлга ўтиб, китобсеварларга завқ бағишлади. Китоблар 5 хил тематик мавзуда чоп этилмоқда: ҳуқуқий ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий илмий-оммабоп, маълумотнома (справочниклар), дарслик ва ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар. Улардан айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси янги қонунлари туркум тарзида нашр этилиб кўпчиликнинг эътиборини тортди. 14, 15, 16-сонлар шу йил китобхонлар қўлига тегди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг адвокатура ва нотариат тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси, «Комментарий кодексу Республику Узбекистан об административной ответственности» каби ҳуқуқий ижтимоий-сиёсий китоблар кишиларнинг дилидаги гаплар бўлди.

Ф. Отахоновнинг «Халқ хўжалигида юридик хизмат ва талабнома даъво ишларини юритиш» номли китоби босмадан чиқди. Унда юридик хизмат ходимларининг талабнома ва даъво ишларини юритишда иштирок этишнинг асосий йўналишлари, услублари, вазифалари ҳамда бу соҳадаги муаммолар ҳақида сўз юритилган. Китоб илмий-оммабоп бўлиб, барча турдаги хўжалик раҳбарлари, судьялар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларига мўлжалланган.

Ш. Рўзиназаров, Ф. Отахонов, У. Эрназаровларнинг «Қандай қилиб фермер бўлиш мумкин?» рисоласи ҳам диққатга сазовор. У ҳуқуққа доир савол-жавоблардан тузилган бўлиб, деҳқон хўжалиги бошлиғи ва аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқати, фермер хўжалиги тузиш тартиби, уларга ер ажратиб бериш, мол-мулкининг ҳуқуқий ҳолати, меҳнат қилиш тартиби, ишлаб чиқариш фаолиятининг асослари ва ҳоказолар хусусидадир.

Биз нашриётда чоп этилган айрим китоблар ҳақидагина фикр юритдик. Ҳолбуки уларнинг сони жуда кўп. Ўзбек детектив жанри усталари ҳам «Адолат» муҳлисларига айлана бошладилар. Ф. Қиличев ва С. Равшановлар аллақачон бир неча китобларини бу ерда чоп эттиришга муваффақ бўлдилар.

«Адолат»нинг режалари катта, нияти ёруғ. Нашриётнинг ҳассос ноширлари эртанги кунда янада ранг-баранг мавзудаги, салмоқдор, теран мазмунли асарлар чоп этиб, китобхон кўнглини маҳв этиш ниятидалар.

Шарофат ИСКАНДАРОВА.

МУСАВВИРЛАР МАДҲИДАГИ БУХОРОЮ ХИВА

Мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистонимиз йиллар эмас, ойлар, кунлар ўтгани сари дунёнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Шу кунларда мамлактимиз дунё аҳлининг диққатини яна бир бор ўзига жалб этди. Бухорою Хивадек қадимий шаҳарларимизнинг 2500 йиллик тўйи тантаналари юксак кўтаринкилик ва ажойиб тадбиру томошани нишонлаган хоразмлик мусаввир Рустам Худойберганов ана шу ҳодисани ўз асарларига аниқ кўчиришга интилган», дейди машҳур мусаввир Рўзи Чориев. Мусаввир асарларидаги бу ўзига хослик ҳақида Т.Қўзиев, И.Жабборов, Н. Ойдиновлар илиқ мулоҳазалар айтдилар.

Рустам Худайбергановнинг «Ичонқалъа деворлари», «Қадрдон кўча», «Туш пайти», «Хива», «Жума масжид минораси», «Калта минор» асарларида заминимизга хос ранглар ҳарорати бўртиб туради. Сариғиш, қизғиш ранглар талошида кун ботиш чоғидаги қадимий шаҳар салобати ифодалаб берилади. Мусаввирнинг барча ишларида муаллимларга хос батартиблик яққол сезилади. Хива манзараларини «ёзган»ида ҳам, кишилар портретини ишлаганда ҳам аниқликка қатъий риоя қилади. Бу унинг асарларига табиийлик, жонлилик бахш этади. Р.Худайберганов Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ беради. Томошабин, айниқса, мусаввирнинг «Ҳамшира» асари олдида узоқ туриб қолади. Чунки унинг қаршисида навқирон аёлларга хос жами кўркамлик ва латофатни ўзида мужассам этган гўзал сиймо туради. Ҳамширанинг бутун вужудидан эътиборни беихтиёр ўзига жалб этадиган жозиба ёғилади. Инсоннинг илоҳийлигини, аёл зотининг сирлилигини ажойиб тарзда англатиб турадиган бу асар кўзнинг қароқларидан сизиб, кўнгилга кўчиб ўтади. Кишига ҳаётбахш кайфият беради. Руҳини улғайтиради. Санъатнинг, ранглар оламининг қудрати ана шунда!

Рустам Худайбергановнинг ҳам, бошқа мусаввирларнинг ҳам Бухоро ва Хива мавзусидаги асарларида икки ҳолат, айниқса бўртиб туради. Биринчиси — рассомлар бу икки шаҳар манзараларини кўпроқ минора ва мадрасалар тасвири орқали кўрсатишга интилишади. Иккинчиси — Бухоро, Хиванинг ўтмиши лавҳаларини бўғиқ ранглар воситасида акс эттиришади. Қора, жигарранг тус билан «ёзилган» манзаралар фонида қайғуга ботган шаҳарнинг салобатли қиёфаси қуриниб туради. Бу ҳолат, айниқса, О.Муиновнинг «Бухоро 20-йилларда», «Маданий инқилоб», «Улаётган ҳовуз», Б.Қурязовнинг «Жалолиддин» асарларида аниқ акс этади.

Бухоро ва Хива манзараларини, бу қадим шаҳарларнинг ажойиб кишилари сиймосини акс эттирган қўргазмадаги барча асарлар рангларининг ёрқинлиги билан диққатни жалб этади. Улар кўнгилга эзгу туйғулар солади. Шу қадим ва буюк юрт фарзанди эканлигингдан фахр ва ифтихор туясан. Ватан ва миллат ғурурини шу тарзда қалбдан ҳис этадиган суратлар қаршисида беихтиёр тўхтаб қоласан.

Абдулла УЛУҒОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 27 noyabr, paysanba № 139 (22.222).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

БИРИДАН БИРИНИ КАМ ҚИЛМАСИН

Футбол

Балки бу ибратли сўзни футболга қандай даҳли бор, деб ўйларсиз. Гап шундаки, юртимизда номдор, муҳлислар назарига тушган, жамоалар сафи кенгайгани сайин футбол ривожланиб, эътибор ортиб бораётгани аён бўлаверади. Маълумки, Ўзбекистон кубоги учун курашда «Нефтчи», «Навбаҳор» ва ниҳоят «Пахтакор» жамоалари икки мартадан ғалаба нашидасини суришди. Истардикки, уларнинг сафига яна бошқа кучли жамоалар ҳам қўшилиб, биллур соврин соҳиби бўлиш иштиёқида астойдил курашсалар.

Бу йилги биллур соврин соҳибини аниқлаш ўзига хос тарзда давом этди, десак муболаға бўлмас. Боиси, аксарият ишқибозлар жаҳон чемпионати саралаш учрашувларини кузатиш билан «овора» бўлдилар. Ҳаш-паш дегунча кубок учун курашнинг ярим финал босқичи ҳам етиб келди. «Пахтакор» — «Дўстлик» ҳамда «Навбаҳор» — «Нефтчи» жамоалари икки мартадан ўзаро майдонга тушдилар. Пахтакорчилар 3:2 ва 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга чиқишган бўлса, «Нефтчи» футболчилари 2:2, 1:0 натижа билан ана шундай имкониятга эга бўлдилар.

«Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказилган ҳал қилувчи учрашув эса қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Бир неча бор чемпионлик унвонини эгаллаб, мамлакат кубогини қўлга киритган фарғоналик футболчилар бундай шараф «мазаси»га яна эришиш учун ташаббус кўрсатиб, ҳужумкорлик билан ўйнашга зўр бердилар. Зеро, пахтакорчилар ҳам ўзларини ўнглашди. Вячеслав Князев ҳисобни очди. Кейин 11 метрли нуқтадан Азамат Абдураимов жавоб тўпини киритди. Рустам Дўрмонов эса «Нефтчи»ни олдинга олиб чиқди. Андрей Акопьянцнинг дарвозага йўллаган тўпидан сўнг 2:2 ҳисоби билан учрашувнинг асосий вақти тугади. Қўшимча вақтда эса Акопьянц яна бир тўп киритиш билан пахтакорчиларга ғалаба келтирди. Шундай қилиб чемпион ва кубок соҳиби бўлиш бу сафар тошкентликларга насиб этди.

Мирзо АНВАР.

Санъат оламида

лар билан ўтказилди. Буюк Турон юртининг бу икки кўҳна шаҳри инсониятнинг энг қадим маданият бешикларидан бири саналади. Бухорою Хива азал-азалдан фахр ва ғурур рамзи сифатида улуғ тарихимизни дунёга намойиш этадиган ўзига хос кўзгу бўлиб келади. Ўзбекистон Бадиий Академияси қўргазмалар залида ана шу кўзгунинг улуғвор манзараларини намойиш этадиган тадбир бўлиб ўтди. Бухорою Хиванинг йигирма беш асрлик тўйига бағишланган бу қўргазмани академия раиси, таниқли мусаввир Турсунали Қўзиев очди. «Бухоро ва Хивадек кўҳна шаҳарлари бўлган мамлакатлар дунёда жуда кам. Ўзбекистон табиий бойликлари жиҳатидан эмас, маданий бойликлари жиҳатидан ҳам жаҳондаги энг бой мамлакат. Мусаввирларимизнинг Бухоро ва Хива манзараларини акс эттирган асарлари ҳам ана шундан далолат беради», деди у. Қўргазмага қўйилган Қ.Башаровнинг «Сомонийлар мақбараси», Э.Машариповнинг «Паҳлавон Маҳмуд мақбараси», О.Муиновнинг «Бухоро — менинг дардим» туркуми, Т.Қурязовнинг «Хива йўллари», «Жалолиддин», Б.Саломовнинг «Кутиш», Г.Ткачевнинг «Хива тонги» сингари ўнлаб асарлари бу буюк шаҳарларимизнинг кўринишларини таъсирчан намойиш этиб, мамлакатимизнинг қадимдан юксак маданият маскани бўлганини аниқ билдириб туради.

«Барчамиз учун эъзозли Бухоро ва Хива мен учун ҳам қадрли. Аввало, бу икки шаҳар обидаларида Осиёга хос ранглар ажойиб тарзда акс этган. Кўкка бўй чўзган миноралар, салобатли мадраса ва мақбараларга аждодларимиз иқлимимиз, заминимиз, ҳавомиз рангларини маҳорат билан муҳрлашган. Бухорою Хиванинг икки ярим минг йиллиги ўтаётган кунларда ўзининг 50 ёшини нишонлаган хоразмлик мусаввир Рустам Худойберганов ана шу ҳодисани ўз асарларига аниқ кўчиришга интилган», дейди машҳур мусаввир Рўзи Чориев. Мусаввир асарларидаги бу ўзига хослик ҳақида Т.Қўзиев, И.Жабборов, Н. Ойдиновлар илиқ мулоҳазалар айтдилар.

Рустам Худайбергановнинг «Ичонқалъа деворлари», «Қадрдон кўча», «Туш пайти», «Хива», «Жума масжид минораси», «Калта минор» асарларида заминимизга хос ранглар ҳарорати бўртиб туради. Сариғиш, қизғиш ранглар талошида кун ботиш чоғидаги қадимий шаҳар салобати ифодалаб берилади. Мусаввирнинг барча ишларида муаллимларга хос батартиблик яққол сезилади. Хива манзараларини «ёзган»ида ҳам, кишилар портретини ишлаганда ҳам аниқликка қатъий риоя қилади. Бу унинг асарларига табиийлик, жонлилик бахш этади. Р.Худайберганов Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ беради. Томошабин, айниқса, мусаввирнинг «Ҳамшира» асари олдида узоқ туриб қолади. Чунки унинг қаршисида навқирон аёлларга хос жами кўркамлик ва латофатни ўзида мужассам этган гўзал сиймо туради. Ҳамширанинг бутун вужудидан эътиборни беихтиёр ўзига жалб этадиган жозиба ёғилади. Инсоннинг илоҳийлигини, аёл зотининг сирлилигини ажойиб тарзда англатиб турадиган бу асар кўзнинг қароқларидан сизиб, кўнгилга кўчиб ўтади. Кишига ҳаётбахш кайфият беради. Руҳини улғайтиради. Санъатнинг, ранглар оламининг қудрати ана шунда!

Рустам Худайбергановнинг ҳам, бошқа мусаввирларнинг ҳам Бухоро ва Хива мавзусидаги асарларида икки ҳолат, айниқса бўртиб туради. Биринчиси — рассомлар бу икки шаҳар манзараларини кўпроқ минора ва мадрасалар тасвири орқали кўрсатишга интилишади. Иккинчиси — Бухоро, Хиванинг ўтмиши лавҳаларини бўғиқ ранглар воситасида акс эттиришади. Қора, жигарранг тус билан «ёзилган» манзаралар фонида қайғуга ботган шаҳарнинг салобатли қиёфаси қуриниб туради. Бу ҳолат, айниқса, О.Муиновнинг «Бухоро 20-йилларда», «Маданий инқилоб», «Улаётган ҳовуз», Б.Қурязовнинг «Жалолиддин» асарларида аниқ акс этади.

Бухоро ва Хива манзараларини, бу қадим шаҳарларнинг ажойиб кишилари сиймосини акс эттирган қўргазмадаги барча асарлар рангларининг ёрқинлиги билан диққатни жалб этади. Улар кўнгилга эзгу туйғулар солади. Шу қадим ва буюк юрт фарзанди эканлигингдан фахр ва ифтихор туясан. Ватан ва миллат ғурурини шу тарзда қалбдан ҳис этадиган суратлар қаршисида беихтиёр тўхтаб қоласан.

Абдулла УЛУҒОВ.

Ўн саккиз минг олам

ИЛОН БИЛАН ЯККАМА-ЯККА

Кафтча илон Ўзбекистонда учрайдиган йирик заҳарли илонларнинг биридир. Кафтча илонни узунлиги икки метрга етади, Боботоғда, Ҳисор тоғи тизмасида, Қарши чўлида ва Нурота тоғларида учрайди.

Кафтча илон қишловлардан апрель ойининг ҳаво исий бошлаган кунларидан чиқа бошлайди. Апрель, май ойларида фақат кечқурун ва эрталаб жуда ҳаракатчан бўлади. Ёз кунлари эса кўпинча кечаси ўз ўлжасини овлашга чиқади. Кафтча илон калтакесак, қурбақа, айниқса турли илонларни ейишни жуда хуш кўради. Кафтча илон июль ойининг охирларида еттитадан ўн биттагача тухум қўйиш йўли билан урчийди. Урчоғчиси тухумини қўяди-да кетиб қолади, бошқа жонзотлар сингари ўз наслини қўриқлаб ётмайди. 65-70 кундан кейин илончалар чиқиб, мустақил ҳаёт кечириш учун йўл оладилар.

Кафтча илон каттароқ ҳолатдаги жонзотни ёки одамни кўриб қолса бас, инига тезроқ яширинишга ҳаракат қилади, мабодо яширинишга улгура олмаса, дарҳол танасини олдинги қисми ва бошини ғоздек қилиб ердан анча баланд кўтарилганча бамисоли кафтдек кенгаяди. Ўзини ҳимоя қилиш учун овоз чиқариб вишиллай бошлайди.

Боботоғ этагида илмий кузатишга берилиб кетиб, танасини баланд кўтариб, мен томон тик қараб турган кафтча илонни анча дақиқадан кейингина пайқабман. Қимирлаш асло мумкин эмас, чунки тишлаб заҳарлаши мумкин. Кафтча билан орамиздаги масофа жуда яқин бўлганлиги сабабли ниҳоятда эҳтиётлик билан секин-аста илонга ҳаракатимни сездирмасликка тиришиб, қимирлай бошладим, бу ҳолатни дарҳол пайқаган илон, қаттиқ вишиллай бошлади. Қўрқинч ва ваҳима забт этгач анчагина жим турдим. Шу пайт илонлар соҳаси бўйича мутахассис ҳамкасбим етиб келди ва қўлидаги узун таёқни менга тутқазиб, уч қисмини илон томон яқинлаштиришимни буюрди. Таёқ яқинлашганини сезган илон икки марта ҳамла қилиб, заҳарли тишларини таёққа ботқизди. Таёқ учида эса илон заҳари томчилари ялтираб кўриниб турарди. Шундай қилиб, таёқ учини узлуксиз равишда қимирлатиб турдим. Илон эса таёқдан кўз узмасдан бошини қимирлата бошлади. Шу фурсатда ҳамкасбимиз илонни бўйнидан маҳкам ушлаб олди.

Қаршисида турган одамни секин-аста, узлуксиз, бир меёрдаги ҳаракатини кузатиб тургач илон ҳам, бошини чайқаб, ҳаракатлана бошлайди. Илоннинг ана шу хусусиятга эга бўлишини билган баъзи кишилар илонлар билан ўйин кўрсатишни ўзига касб қилиб олганлар. Бу касб асосан Ҳиндистонда оммавийлашган.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.
табиатшунос.



МАЙМОҚВОЙ САЙРДА.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ҚЎШИҒИМ, ЖОН ҚЎШИҒИМ

(Ҳазиллар)

Ғиёс БОЙТОЕВ:
— Кўкламойим, «кўк»ингдан бер бир чимдим.
— *Қанчалигини аниқроғ айтинг.*

Илҳом ИБРОҲИМОВ:
— Бир гўзални беш йигит севиб қолибди.
— *Бирданига-я?!*

Жалолиддин УСМОНОВ:
— Ўғлини уйлантирай, деб изланиб қолди она.
— *Хотин керак бўлса, ўзи топсин, онажон.*

Равшан НОМОЗОВ:
— Қошини қоқиб имо қилар, ингичка бикин қизгина.
— *Кўрдингизми?..*

Абдулҳай КАРИМОВ:
— Ширин бола, шакар бола, тўй бола.
— *Оқ қанд бола, мураббо бола, бол бола.*

Кумуш РАЗЗОҚОВА:
— Ёмғир ёғди, майда-майдалаб.
—Энди қор ёғса ҳам майли.

Анвар ҒАНИЕВ:
— Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?
— *Буни бешафқат сайёддан сўранг.*

Ҳазилларни Абдумалик ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО" предлагает:

Наименование продукции	Ед. измер.	Цена за I тн (сум)	№ телефонов
1. Уголок 100мм	тн	60500	480882
2. Уголок 160, 140мм	тн	58300	-"-
3. Периодический профиль д.12 мм.	тн	29300	480882
4. Трубы чугунные-водонапорные-65мм.	тн	50000	484766
5. Трубы чугунно-канализационные-159	шт	1800	-""-
6. Сетка "Рабица" 20х20мм.	кв.м.	250	484707
7.Сетка сварная (дорожная)150х150	тн.	договорная	-"-
8. Сетка просечно-вытяжная 30х15	кв.м	-"-	-"-
9. Электроды свароч. АНО-4 д. 4мм.	тн	192000	-"-
-"- МР-3д.4.	тн	220000	-"-
10. Крепежные изделия различных размеров	тн	договорная	-"-
из них: болты с/г 10х100мм	тн	108000	-"-
гайки свободные М10	тн	-"-	-"-
винты 5х45-50 и другие	тн	65000	-"-
заклепки стальные различные	тн	7269	-"-
11.Титановый прокат	тн	550000	-"-
12.Латунный порошок	тн	116000	-"-

Наш адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин — 136.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборхонадан Сенадексин дорисини
ТАКЛИФ ЭТАДИ
Шунингдек, «ДЭУ», «Дамас» автомобиллари радиатори учун
БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Телефон: 45-54-20.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма раисининг биринчи ўринбосари, таниқли адиб Йўлдош Сулаймонга онаси **Ойимчабиби ХАЛИЛ ДОВКАР қизи**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт. — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА